



140704, Ishtixon shaxri, Ishtixon kuchasi-4-uy  
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул.Иштыханская д.4,  
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20/18 у.г. «23» Нолбр

№ 3267-к

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

«Zarband meva eksport» масъулияти  
чекланган жамиятига экспортни  
ривожлантириш учун ер майдони ажратиш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ер кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 15 ноябдаги 01-03-10-46 сонли «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, 2013 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада кўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сон, «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон ва «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 6 ноябрдаги ПҚ-3377-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 20-23-моддаларига асосан «Zarband meva eksport» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Курдошев Фарходнинг экспортни ривожлантириш тўғрисидаги аризаси ҳамда туманда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2018 йил 15-ноябрдаги хулосасини кўриб чиқиб

### КАРОР КИЛАМАН:

1. Туманда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг «Zarband meva eksport» масъулияти чекланган жамиятига экспортни ривожлантириш учун туман ҳокимлиги захирасида бўлган «Бўстон нурли келажаги» агрофирма худудидаги 505-501-522-509-521-504-490-503-497-рақамли контурдаги жами 21,96 гектар шундан суғориб ҳайдаладиган ер 1,0 гектар, узумзор 17,77 гектар, каналлар ва коллекторлар 1,27 гектар, йўллар ва увотлар 0,83 гектар, бошқа ерлар 1,09 гектар ер майдони ва «Мехнат-роҳат техникалари» муқобил МТП худудидаги 525-521-412-505-494-513-522-518-519-520-524-рақамли контурлардан жами 45,51 гектар шундан узумзор 42,19 гектар, яйлов ер 0,16 гектар, каналлар ва коллекторлар 1,33 гектар, йўллар ва увотлар 0,62 гектар, бошқа ерлар 1,21 гектар ер майдонлари ажратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. «Zarband meva eksport» масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 67,47 гектар шундан суғориб ҳайдаладиган ер 1,0 гектар, узумзор 59,96 гектар, яйлов ер 0,16 гектар, каналлар ва коллекторлар 2,6 гектар, йўллар ва увотлар 1,45 гектар, бошқа ерлар 2,3 гектар ер майдонлари узумчилик йўналишида фойдаланиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ўзидаги тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар кириш юклатилсин.


4. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Иштыхан тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5 туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Тошқулов)га мазкур «Zarband meva eksport» масъулияти чекланган жамиятини молиявий фаолияти устидан назорат ўрнатиш солиқ ва бошқа меърий туловларини тартибга солиш юклатилсин.

6. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

7. Мазкур қарорни тасдиғи ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясидан сўралсин..

Туман хокими

  
Ш.Негматов